2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

39 (641)

2008 йил 24 сентябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Саҳифада

2
▶ Тўйга тўёна ...кредит карточкасида!
▶ Уйдаги гап кўчага ...чиқиб ҳам турсин!

3
▶ 112 ёшли момо "Шуҳрат" медали соҳибаси
▶ Саёқ талончилар "таёқ" еди-ку!

4
▶ Дил изҳори деворга ёзиладими?
▶ Буғдойчи билан пахтакорликлар беллашди

Андижон вилояти

ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИК

Андижон шаҳрида қуриб фойдаланишга топширилган уч қаватли кўркам бино — "Ёшлар маркази"нинг иккинчи қавати ёш авлоднинг билим ва ҳунар ўрганиши учун мўлжалланган.

Бу ердаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўқув хоналарида 360 нафар, ахборот ресурслари марказида эса 160 нафар ёш бир вақтнинг ўзида фойдали юмушлар билан машғул бўлиши мумкин. Хорижий тилларни ўрганишни истовчилар учун лингафон хонаси ҳам мавжуд. Тажрибали устозлар ёшларга пазандалик ва биринчи тез тиббий ёрдамни кўрсатиш бўйича сабоқ бермоқда.

— Ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида боулинг ўйини ташкил этилган, — дейди марказ раҳбарининг ўринбосари Ўктамжон Охунов. — Бундан ташқари, бинонинг таркибидан 800 ўринли ресторан, мажлислар зали ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган хоналар жой олган.

Ушбу иморатнинг тархи яратилишида "Ёшлар маркази"нинг энг ёш қатнашчилари — жажжи болакайлар ҳам унутилмаган. Яъни. бинонинг томида болажонлар учун чўмилиш ҳавзаси, митти ҳайвонот боғи ва бошқа кўнгилочар ўйинлар билан бойитилган майдонча ишга туширилиш арафасида турибди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

ЯНГИ СТАНЦИЯ — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Воҳадаги «Кўкдумалоқ-Газ» Ўзбекистон — Швецария қўшма корхонаси бош пудратчилигида Бухоро вилоятидаги Газли конида сиқув компрессор станцияси бунёд этилди.

Мазкур объектда дастлабки синовлар ўтказилди.

Техник иқтисодий асосланиши «ЎзЛИТИ нефтгаз» лойиҳалаш институти томонидан ишлаб чиқилган бу лойиҳа вилоятдаги энг йирик қўшма корхоналаридан бири — «Кўкдумалоқ-Газ» бош пудратчилигида қисқа вақт ичида ҳаётга татбиқ этилди. Станцияда ўрнатилган асбоб-ускуналар қўшма корхоналарнинг хорижий таъсисчиси «Zeromax Gmbh» компанияси томонидан етказиб берилди.

Юқори технологик қурилманинг лойиҳа қуввати бир кеча-кундузда 28 миллион кубометр газ ҳайдаш имконини беради.

МУХБИРИМИЗ

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Замоннинг илдамлашини қаранг, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ускуналар яратилибди-я...

Юртимиз спортчилари довруғи

ОЛИМПИАДА СОВРИНДОРЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Универсал» гимнастика марказида Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари — Антон Фокин ва Екатерина Хилькони шарафлашга бағишланган гимнастика шоу-байрами бўлди. Тадбирни Ўзбекистон Гимнастика федерацияси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Гимнастика юртимизда жадал ривожланаётган спорт турларидандир. Айниқса, ёш авлод ва хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда гимнастиканинг турли йўналишлари – бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, гимнастрада, трамполин, акробатиканинг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун юртимизнинг барча ҳудудларида қурилаётган замонавий спорт иншоотларини ва мактаб спорт залларини жиҳозлашда гимнастика анжомлари бўлишига эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида гимнастиканинг турли йўналишлари билан мунтазам шуғулланаётган спортчилар сафи тобора кенгаймоқда. Ўнлаб малакали гимнастикачиларимиз халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Пекин Олимпиадаси ҳам ўзбекистонлик гимнастикачиларнинг юқори салоҳиятга эга эканини кўрсатди. Спорт гимнастикаси беллашувларида қатнашган моҳир спортчимиз Антон Фокин брусда бажарилган машқлар бўйича бронза медалини қўлга киритди. Екатерина Хилько эса трамполиннинг батутда сакраш машқларида учинчи ўринни эгаллади.

«Универсал» гимнастика маркази аренасида ташкил этилган байрам тадбирида бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, акробатика, трамполин бўйича энг моҳир спорт усталари, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ва иқтидорли спортчилар мураккаб гимнастика машқларига асосланган ўз чиқишларини намойиш қилдилар.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги

МИЛЛИЙ САММИТ ИШ БОШЛАДИ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича олтинчи миллий саммит ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон, Буюк Британия, Германия, Корея Республикаси, Япония, Голландия, Россия, Литва, Қирғизистон, АҚШ ва бошқа давлатлардан АКТ-бозорининг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий IT-компаниялар раҳбарлари ҳамда мутахассислари — жами 400 нафарга яқин делегат иштирок этмоқда.

Форум Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТнинг "АКТ сиёсати" лойиҳаси тимсолидаги Ривожланиш дастури ва Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Ушбу саммит мутахассисларга АКТ-бозори аҳволини таҳлил қилиб, ушбу соҳадаги янги ютуқлар билан танишиш, муҳим муаммоларни муҳокама қилиш ва уларни ҳал этиш йўлларини топиш, янги барқарор ва ишончли ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишда ёрдам беради.

АКТ соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш йўналишлари, мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши тизимини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси миллий архив фондининг рақамли меросини ташкил этишнинг асосий масалалари, АКТ соҳасида стандартлаштириш, Ўзбекистонда 3G (UMTS) стандартидаги кўчма радиотелефон алоқа хизматларини жорий этиш истиқболлари, WiMAX технологияси асосида Интернетдан фойдаланиш хизматини йўлга қўйиш, .ÚZ домен зонасида ахборот хавфсизлиги таҳдидларининг ривожланиш тенденциялари, мутахассисларни тайёрлаш, эркин очиқ дастурий таъминот технологияларини ривожлантириш, телетиббиёт борасида АКТдан фойдаланиш форумнинг ялпи ва секцияларга бўлинган мажлисларида кўриб чиқиладиган долзарб мавзулар, масалалар ҳамда вазифаларнинг бир қисми, холос.

Глобаллашув асрида бирон бир фаолият соҳасини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга татбиқ этилмоқда. Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Ҳўжаев ушбу дастур ижроси қандай таъминланаётгани ҳақида гапирди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳисобга олган ҳолда, АКТ соҳасидаги миллий қонунчилик мунтазам такомиллаштирилмоқда. Ушбу қонунчилик бугун муаллифлик ва бошқа турдош ҳуқуқлар, электрон имзо, тижорат, тўловлар, ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солмоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишнинг миллий устуворликларини ҳурмат қилиш тамойиллари асосида очиқ ахборот жамиятини ташкил этишда муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотлаштириш хизматларининг янги турларини ривожлантириш ва бошқарувнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш мақсадида 2003-2004 йилларда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунларини, шунингдек, янги таҳрирдаги "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунни қабул қилди.

Мамлакатимизда АКТни жадал ривожлантириш учун давлат ва хусусий сектор саъй-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон IT-бозорининг 50 дан ортиқ етакчи компаниялари мазкур уюшмага аъзо бўлди. Шу билан бирга, уюшма томонидан электрон бошқарув бўйича ташкил этилган ваколат маркази ҳамкор компанияларга бегараз асосда электрон бошқарув соҳасидаги товар ҳамда хизматларини таклиф этиш учун шарт-шароит яратади, илмий тадқиқотлар ўтказиш, ахборот жамиятини шакллантириш ғояларини жорий этиш борасида тарғибот ишларини амалга оширади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда телекоммуникациялар соҳаси жадал ривожланди ва мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш борасида ўз аҳамияти ортиб бораётганини яққол намоён этмоқда. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ошмоқда, энг янги техника ва технологиялар жорий этилаётир. Республикамизнинг барча вилоят марказларида рақамли шаҳарлараро станциялар ўрнатилди, халқаро ҳамда вилоятлар ичидаги магистрал алоқа линияларида умумий узунлиги қарийб 12 минг километр бўлган оптик-толали ва рақамли радиорелели линиялар ўтказилди, 430 та телевизион ва 116 та радио узатиш мосламалари модернизация қилинди ҳамда ўрнатилди, барча ҳудудларда CDMA стандартидаги радиодан симсиз фойдаланиш тизими жорий этилди.

Маҳаллий тармоқда 2 миллиондан ортиқ рақамли ўз ичига олган икки мингдан зиёд АТС мавжуд. Шунинг 86 фоизини рақамли АТСлар ташкил этади. Ўзбекистон телекоммуникация тизими 28 йўналиш бўйича дунёнинг 180 мамлакатига тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Бу борада оптик-толали ва йўлдош тизимлардан самарали фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда уяли алоқа хизмати ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда мобиль алоқа абонентлари сони 10 миллион нафардан ортди.

Давоми 2-саҳифада

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2005-2007 йиллар ва 2008 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан мазкур Қўмита раиси И.Насриев сўзга чиқди. Қўмита аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича муайян ишларни амалга оширганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга унинг ишида рўёбга чиқарилмаган имкониятлар мавжудлиги аниқланди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш якунлари бўйича Қўмитага қонун лойиҳалари сифатини ошириш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан мониторинг ўтказиш, фуқаролардан сайловчилар билан округлардаги учрашувлар пайтида, бевосита Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тушаётган оғзаки ва ёзма мурожаатларга ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлишга доир ишларни кучайтириш топширилди. Ушбу масалани муҳокама қилиш жараёнида таъкидландики, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган стратегик дастурини ҳуқуқий жиҳатдан ўз вақтида ва пухта таъминлаш бугунги кунда парламент олдида турган асосий вазифадир. Пухта қонун ҳужжатлари кенг миқёсли ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишнинг, мамлакатимизда ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Депутатлар ҳисоботни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилдилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ҳатамов «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ҳужжатни муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар қутқарув хизматлари фаолиятининг ишончли ҳуқуқий базасини яратиш, уларни фавқулодда вазиятларни бартараф қилишга жалб этиш, қўйилган вазифаларни ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ёрдам кўрсатилиши муҳимлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳасида аниқ баён қилинганки, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича ишларни бажариш чоғида қутқарув хизматларига зарур моддий ва транспорт воситалари берилиб, улар монеликсиз ўтиш ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари ва алоқа воситаларидан биринчи навбатда таъминланиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш мақсадида киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси У.Жалменов «Болгария Республикаси ва Руминиянинг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга Аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2008 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Муҳокама жараёнида депутатлар томонидан билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни қабул қилди.

Иккинчи ўқишда муҳокамага киритилган «Нашриятлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси О.Ўсаров маъруза қилди. Саволларга жавоблар берилганидан сўнг ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида таъкидландики, амалдаги қонун ҳужжатига тузатишлар нашриятлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни янада пухта тартибга солиш, нашриётларни таъсис этиш ҳуқуқини тартибга солувчи бир қатор ҳуқуқий нормаларни аниқлаштириш, шунингдек, амалдаги ҳуқуқий нормаларни мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларига, мазкур соҳадаги халқаро стандартлар қоидаларига мувофиқлаштириш мақсадида киритилмоқда. Депутатлар ҳуқуқий ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирдилар. Таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси муҳокамасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида давом эттиришга қарор қилинди.

(ЎзА)

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг.
Обуна бўлишга шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Муносиб тақдирланганлар

Тошкент вилояти

... Деразаларига оқ парда тутилган кенг-ёруғ хонада Дилором опа билан юзма-юз ўтирибмиз. Жавонларда маҳалла бошқарувига оид турли адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, қўлланмалар тизилган, ёзув столида йиғин таркибидаги маҳаллаларнинг иш режалари, ўтказилган тадбирларнинг рўйхати тахланган. Деворга илинган «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» шиори яққол кўзга ташланади. Опа мана шу ҳикматга амал қилиб маҳалладаги кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш режасини тузаётган экан.

Ўзи ўрнакнинг иши унади

Дилором опа қарийб ўттиз йил Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида жамоатчилик асосида хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси вазифасида ишлади. Тўрт йилдан буён қишлоқ фуқаролар йиғини таркибига кирувчи Байтқўрғон маҳалласи фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. У Халқ депутатлари туман, вилоят кенгашларига депутат этиб сайланган. Дилором Салимова яқинда, мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами муносабати билан Юртбошимиз Фармонига асосан «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

— Бу мукофотни камтарона меҳнатимга берилган юксак рағбат деб биламан, — дейди Дилором опа. — Қолаверса, бу мукофот нафақат меники, балки оила аъзоларим, ҳар бир байтқўрғонлик маҳалладошимники ҳамдир. Чунки маҳалламиз, қишлоғимизда кўз-кўз қилишга арзигулик қандай яхши иш бўлса, барчасида ҳар бир байтқўрғонликнинг ҳиссаси бор. Байтқўрғон менга қадрдон гўша. Шу гўшага келин бўлиб тушганман. Фарзандларим туғилиб-ўсган маконга меҳнатим сингганидан бахтиёрман.

Дилором Салимова набиралари даврасида

Маслаҳатчининг иши ҳар бир оиладаги муҳитни ўрганишдан бошланади. Тотув оиладан ҳам, нотинч оиладан ҳам хабардор бўлиб туриш керак, деб ўйлайман. Ҳеч ким оиласидаги гапни кўчага олиб чиқишни хоҳламайди. Буни ўттиз йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман. Айниқса, бу борада аёлларимиз жуда ориятли. Остона ҳатлаб, секин кўнглига қўл солсангиз бас, дардини ҳам, қувончини ҳам яширмайди. Баъзан оиладаги муаммоларга эрхотин, қайнона-келин ўртасидаги тушунмовчиликлар сабаб бўлса, баъзан ҳамма муаммо ичкиликдан. Топиб-тутишининг тайини йўқ баъзи эркаклар рўзғор юкини аёли гарданига ташлаб қўйганлигининг гувоҳи бўласиз. Оилада чиқаётган уришжанжалларнинг негизи албатта, моддий таъминотга бориб тақалади. Эркак оиланинг асосий устуни эканлигини барчамиз яхши биламиз. Инсон борки, сидқидилдан изланса, интилса, албатта, меҳнатининг самарасини кўради. Шукрки, юртимиз тинч, маҳаллаларимиз кун сайин обод бўлмоқда. Ҳозир ҳунарлининг замони келди. Байтқўрғонда қандолатчилик, тикувчилик цехлари фаолият кўрсатиб турибди. Бугунги кунда юзлаб ҳунарли ёшларимиз ана шундай кичик корхоналарда иш билан таъминланяпти.

Бир қарашда оила ташвиши, маҳалладаги юмушлар, депутатлик, ҳаммасига бирдек улгуриш бир киши учун оғирдек туюлади. Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Туроб Ирисбоев Дилором Салимова ҳақида шундай дейди:

— Дилоромхон жуда жонкуяр инсон. Ҳеч бир жойда ўтирганини кўрмайман. Эрталаб Шодлик маҳалласида жанжал чиққан оилани яраштираётган бўлса, тушдан кейин Уймоут маҳалласи ҳудудида ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлаётганини кўраман. Энг муҳими, Дилоромхон ҳар жабҳада аввало ўзи ўрнак. Оиласи энг намунали оилалардан бири — тўрт ўғил, тўрт келин аҳил, баҳамжиҳат яшайдилар. Байтқўрғонда Дилоромхонга икки хил таъриф беришади. Бировлар, «Дилоромхоннинг оти доим эгарланган туради» дейишса, «Бу аёл ёвга қўшилса, эл бўлади» дегувчилар ҳам бор.

Агар жиддийроқ фикр юритсак, Дилором опа тимсолида ўз оиласи, қувончташвишларидан ортиб маҳалладошлари корига ярашга имкон топаётган, шу билан бирга жамият равнақига ҳисса қўшаётган давр билан ҳамнафас минглаб ўзбек аёллари кўз ўнгимизда гавдаланади.

Бектош ИСМОИЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳри

«МЕҲНАТдан топганим — ФАРОҒАТ бўлди!»

дейди «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Талъатбек Шамсиев

Президентимиз Фармонига кўра, мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимиз қаторида пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган Ўзбекистон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Талъатбек Шамсиев ҳам бор. У кўп йиллик меҳнатлари ва мамлакатимиз ривожига қўшган ҳиссаси учун «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Талъатбек ака узоқ йиллар қурилиш соҳасида муҳандис сифатида фаолият кўрсатди, республикамизнинг турли ҳудудларида барпо этилган йирик саноат корхоналари ва заводларнинг ишчилари учун турар-жой масканлари, мактаб, боғча ва маданий-маиший иншоотларни лойиҳалашда фаол иштирок этди. Хусусан, Қўнғирот сода заводи, Навоий фосфор комбинати, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишчилари учун қурилган шаҳарчаларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва бунёд этишда Талъатбек аканинг ҳам жуда кўп меҳнати сингган. Талъатбек ака пенсияга чиққач, маҳалладошлари унга ишонч билдириб, йиғинга раис этиб сайлашди. Мана, саккиз йилдан буён у маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

— Юртимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларда маҳалла тизими ва унда хизмат қилаётган ходимларнинг ҳам муносиб ўрни, ҳиссаси бор, — дейди Талъатбек Шамсиев. — Истиқлолнинг илк йиллариданоқ халқимизга хос, қадимий тарихга эга бўлган маҳаллага, унинг жамиятдаги мавқеини оширишга эътибор қаратилгани бугун ҳар жабҳада ўз самарасини бермоқда, десак хато қилмаган бўламиз.

1993 йилда ташкил этилган Ўзбекистон маҳалласида қарийб саксон миллат ва элатга мансуб бир ярим мингдан зиёд аҳоли тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг 400 нафардан ортиғи пенсия ва нафақадаги фуқаролар. Маҳаллада муҳтож кишиларга ҳар куни бир маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Бундан ташқари, ҳар ҳафтанинг пайшанба куни туман ижтимоий таъминот бўлими ҳамда маҳалла ҳисобидан ҳудуддаги, атроф маҳаллалардаги якка-ёлғиз, ногирон ва кам таъминланган фуқароларга мурувват ёрдами кўрсатилади.

Айни кунларда маҳаллада турар-жой биноларини қишки мавсумга тайёрлаш ишлари якунига етказиляпти. Ҳудуддаги 5 та кўпқаватли уйнинг ҳар бирида алоҳида ширкат тузилган бўлиб, уйжой мулкдорлари ўз ҳисоб-рақамларида қанча маблағ борлигини, унинг нималарга сарфланаётганини яхши билишади. Талъатбек аканинг таъкидлашича, бу инсонларнинг мулкка муносабатини ҳам ўзгартирди, энди ҳар бир фуқаро ўзи яшаётган уйнинг тоза ва ораста бўлиши учун жон койитяпти.

— Маҳалламизда ҳиммати баланд, саховатпеша инсонлар кўп, — дейди Талъатбек ака. — Уларнинг кўмаги билан ҳар йили турли байрамларни катта шодиёна тарзида нишонлаймиз. Хусусан, Наврўз айёми муносабати билан 5-6 та дошқозонда сумалак тайёрлаб, маҳалладошларимизга тарқатамиз. 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида эса бир нечта қозонда ҳалим тайёрлаб, дастурхон ёзамиз. Унга шаҳримизнинг оқсоқоллари ва фахрийларини, кам таъминланган, ночор оилалар аъзоларини таклиф этамиз, бева-бечораларни йўқлаймиз. Бундай тадбирларни ўтказишда Мавжуда Қамбарова, Ҳакимжон Қудратов, Шокиржон Ҳамидов, Шамсиддин Исамуҳамедов сингари тадбиркор ва ишбилармон маҳалладошларимизнинг ҳиссаси катта эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Маҳаллада турли масалалар бўйича комиссиялар ҳам қониқарли фаолият кўрсатмоқда. Туман соғлиқни сақлаш бўлими билан биргаликда хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Ҳудуддаги тиш даволаш клиникасида эса маҳалла аҳлига имтиёзли хизмат кўрсатиляпти. Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қизларни турмушга тайёрлаш, фарзанд тарбияси, оила мустаҳкамлигини таъминлаш каби қатор масалаларда шифокор ҳамда мутахассислар, кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган нуронийлар иштирокидаги давра суҳбатлари ва учрашувларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Йиғин ҳудудидаги спорт майдончасида болажонлар учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда улар спортнинг волейбол, баскетбол, футбол каби турлари билан шуғулланиб чиниқишлари, бўш вақтларини мароқли ўтказишлари мумкин. Бундан ташқари, маҳаллада болалар ўртасида шахмат-шашка бўйича мусобақалар тез-тез ташкил этиб турилади. Унда иштирок этган болаларнинг ҳеч бири беэътибор қолдирилмайди — кичкина бўлса ҳам совға олади. Бу ёш авлодда спортга қизиқиш, қолаверса, маҳаллага муҳаббат уйғотишнинг энг яхши воситаларидан бири экани шубҳасиз.

— Фаолиятда эришган озмиқўпми ютуқларим учун бир неча маротаба тақдирланганман, — дейди Талъатбек ака. — Лекин мен учун энг қадрли ва юксак мукофот мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида олганим — «Меҳнат шуҳрати» ордени. Уни нафақат менга, балки барча маҳалладошларимизга берилган мукофот деб биламан.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
«Mahalla» мухбири.

2008 йил – Ёшлар йили

Самарқанд вилояти

Ёшлар йилида "Маҳалла" жамғармасининг Пайариқ тумани бўлинмаси томонидан ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида кенг қамровли тадбирлар ишлаб чиқилган. Шу асосда туман халқ таълими бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, маҳаллаларда "Бир болага етти қўшни ота-она" шиори остида ўтказилаётган тадбирларнинг ёшлар тарбиясида аҳамияти катта бўлмоқда.

ТЎЙ СОВҒАСИ — КРЕДИТ КАРТОЧКАСИ

Бундан ташқари, Кўлтўсин фуқаролар йиғини ҳудудидаги 52-умумтаълим мактабида "Келажак овози" танлови доирасида фаол ёшлар ҳамда таниқли ижодкорлар билан "Биз — Ўзбекистон ёшларимиз", "Биз — фаровон келажак бунёдкорларимиз" мавзусида уюштирилган қизиқарли учрашувлар, фото ва бадиий ижод намуналари кўргазмасини маҳаллий ёшлар катта қизиқиш билан қарши олишди.

Шу ўринда бўлинма томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тумандаги 20 дан зиёд ёш оила уй-рўзғор буюмлари ва чорва молларини сотиб олиш учун банкдан имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди. Ҳомийлар кўмагида 28 та кам таъминланган оилага қорамол ҳадя қилинди. Яқинда туман ҳокимининг ташаббуси билан "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси, фермерлар ва корхона-ташкилотлар ҳомийлигида кам таъминланган оила фарзандларидан 56 жуфт келин-куёвнинг никоҳ тўйи ўтказилди.

— Юртбошимиздан, ҳукуматимиздан, қолаверса, туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси мутасаддиларидан чексиз миннатдормиз, — дейди шу куни икки ўғлини уйлантирган Қозоқхўжа қишлоғилик Сабоҳат опа ва Эргаш ака Қўзибоевлар. — Ҳомийлар томонидан фарзандларимиз Бекзод ва Нафисаой ҳамда Шерзод ва Зухраойларга бир миллион сўмлик кредит карточкаси, совға-саломлар берилгани бизни янада қувонтирди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш ҳам маҳалла фуқаролар йиғини раислари зиммасидаги асосий вазифалардан. Унинг ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида туманда мониторинг тизими йўлга қўйилган. Унга кўра, ишсиз ёшлар рўйхати тузилиб, уларнинг ўзлари ва ота-оналари билан ўтказиладиган суҳбат асосида мақбул келган иш ўрни тавсия этилади. Бунда туман бандликка кўмаклашувчи маркази билан ўрнатилган ҳамкорлик жуда қўл келаётир. Айни пайтга қадар 58 нафар йигит-қизга касб ўрганиш учун йўлланма берилиб, 13 нафар қиз зардўзлик ва каштачилик йўналиши бўйича хусусий тадбиркорларга бириктирилди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 400 нафар ёшни ишга жойлаштиришда ҳам яхши натижаларга эришилмоқда.

— Соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун тумандаги барча маҳаллаларда ёш оилалар патронажи ташкил қилиниб, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Сайдулла Бойзоқов. — Умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида эса мустақил ҳаёт остонасида турган қизларга репродуктив саломатлик бўйича маърузалар ўқилди.

Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртлари билан туман маҳаллалари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик маънавий-маърифий ишларни жонлантиришга хизмат қилмоқда. Олийгоҳнинг профессор-ўқитувчилари тарғибот-ташвиқот гуруҳларига бирлашиб, маҳаллаларда қизиқарли учрашувлар ташкил қилишмоқда. Бундай тадбирлар эса ёшлар тарбиясида ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Шоира ШУКУРОВА

ЁШЛАР — БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишланган «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» мавзуида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабаларининг фестивали бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан таълим даргоҳи юбилейи юқори савияда ташкиллаштирилди.

Фестивалнинг тантанали маросимида Ўзбекистон Миллий университетининг тарихи, ёшларимизнинг илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа жабҳаларда эришаётган ютуқлари акс этган томошаларга алоҳида ўрин ажратилгани ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Таниқли санъаткорлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ва ёш ижрочиларнинг концерти томошага янада файз киритди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Муҳаммад АМИН *(ЎзА)* **олган сурат.**

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги

МИЛЛИЙ САММИТ ИШ БОШЛАДИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Юзага келган рақобат муҳити Интернет хизматларини тақдим этадиган оператор ва провайдерлар, ушбу тармоқдан умумий фойдаланиш пунктлари сонини кўпайтириш имконини берди. Глобал ахборот тизимидан фойдаланувчилар сони ҳозир 2 миллион 2 мингдан ошди.

Электрон рақамли имзони қўллаш имконини берадиган меъёрий-ҳуқуқий база ва очиқ электрон калитлар инфратузилмаси яратилди. Бугунги кунда электрон рақамли имзоларни рўйхатга оладиган учта марказ фаолият кўрсатмоқда, берилган электрон рақамли имзолар калити 12900 тага етди. "UZ" миллий доменида кўплаб номлар рўйхатга олинмоқда.

Ўқув-таълим ва илмий муассасалар учун ахборот ресурсларини бирлаштирадиган, замонавий веб-технологиялар ёрдамида ушбу маълумотлар базасидан кенг кўламда ҳамда хавфсиз фойдаланишни таъминлайдиган "ZiyoNET" жамоат таълими ахборот тармоғи муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, хорижлик шериклар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгаймоқда. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ Ривожланиш дастурининг "АКТ сиёсати" қўшма лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Ахборот ресурслари бозори ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Республикамиздаги дастурий таъминотни ишлаб чиқиш хизматлари бозорида 215 тадан ортиқ компания ва фирма фаолият кўрсатмоқда. Бунда Ўзбекистон дастурий таъминот бозорининг ҳажми тахминан 16 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Шуни таъкидлаш муҳимки, мамлакатимизда ёш дастурчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва улар учун ихтисослаштирилган марказ ташкил этилган.

IBM компаниясининг Шарқий Европа ва Осиё мамлакатлари бўйича давлат дастурлари директори М.Гуриев (Россия) бу ҳақда шундай деди:

— Ўзбекистонда "Dopріх" тезкор тизимининг ташкил этилиши ахборот-коммуникация технологияларини ўзига хос тарзда ривожлантиришнинг ёркин кўринишларидан бири ҳисобланади. Бу борада мамлакатингиз бошқа давлатлардан анча илгарилаб кетди ва малакали дастурчилар авлодини тарбияламоқда. Биз бундан ниҳоятда хурсандмиз ва ушбу йўналишни тегишли дастурий маҳсулотларимиз билан қўллаб-қувватлаймиз.

Мажлислардаги баҳс-мунозаралар чоғида АКТ салоҳиятини ошириш, замонавий дастурий таъминотни ҳамма жойда татбиқ этиш, тармоқлардан симсиз фойдаланиш ва маълумотларни юқори тезлик билан узатиш тизимларини қўллаш, рақобатни шакллантириш, ушбу соҳага инновацияларни жорий этиш ва инвестицияларни жалб қилиш, халқаро ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, глобаллашув шароитида ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун қулай муҳит яратиш зарурлиги қайд этилди.

Саммитда сўзга чиққан "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директори Х.Муҳиддинов, InfoCom тадқиқотлар раҳбари Й.Харада (Япония), DHV геоахборот ва ерларни ҳисобга олиш бўлими менежери А.Квитовски (Голландия), Коммуникация соҳасини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган бўлими раҳбари Н.Гельвановска (Литва) ва бошқалар шулар ҳақида гапирди.

Мазкур саммит, шубҳасиз, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш жараёнини янада тезлаштиришга хизмат қилади ва мамлакатимизда ахборот жамиятини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

МИСР:

11 нафар сайёҳ ва 8 нафар Миср фуқаролари бир неча кун мобайнида қароқчилар томонидан гаровда ушлаб турилди.

ГАРОВДАГИ САЙЁҲЛАР ОЗОД ҚИЛИНДИ

Миср ташқи ишлар вазири Аҳмад Абдул Гейт ўтган ҳафта мамлакатнинг жанубий қисмида гаровга олинган Миср фуқаролари ва сайёҳлар озод қилинганини тасдиқлади, дея «Интерфакс» ахборот агентлиги «Вести-24» телеканали маълумотларига асосланган ҳолда хабар тарқатди.

Вазирнинг айтишича, ҳозирда сайёҳлар хавфсиз жойда. Бироқ уларнинг қай тарзда озод қилинганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Эслатиб ўтамиз, сайёҳлар жума куни ўғирлаб кетилган эди. Миснинг Суданга чегарадош ҳудудида жойлашган Асван шаҳрида тўрт нафар ниқоб кийиб олган қароқчи сайёҳлар гуруҳини асирга олишган.

Миср телевидениесининг маълумотларига кўра, сайёҳларнинг 5 нафари немис, 5 нафари италян миллатига мансуб бўлиб, гаровга олинганларнинг қолган 8 нафари эса мисрликлардир.

Миср туризм ишлари вазири Зухейра Гарананинг таъкидлашича, сайёҳларни ўғирлаган кимсалар — оддий қароқчилар бўлиб, уларнинг экстремистик гуруҳларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар сайёҳларни озод қилиш эвазига 15 миллион АҚШ доллари миқдорида товон пули талаб қилишган.

ИРОК:

13 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР МАБЛАҒНИ КИМ ЎЗЛАШТИРГАН?

Уруш оқибатида вайрон бўлган Ироқни тиклаш учун АҚШ томонидан ажратилган 13 миллиард доллардан ортиқ маблағ ўғирланган ёки мақсадсиз сарфланган, дея хабар тарқатди The Washington Post газетаси. Бу ҳақда Ироқнинг ваколат жиҳатдан АҚШ федерал қидирув бюросига тенг бўлган муассасаси собиқ бош терговчиси Салам Адхуб баёнот берган.

Адхубнинг сўзларига кўра, у раҳбарлик қилган муассаса томонидан ўрганилган лойиҳалардан бири умуман нокерак бўлса, иккинчиси тўлиқ амалга оширилмаган. Унинг таъкидлашича, мазкур ишга доир барча маълумотларни мамлакат ҳукуматига топширган. Мазкур маълумотларнинг ошкор этилмаганидан кўриниб турибдики, бу каби ҳолатларнинг тергов қилинишидан ҳеч ким манфаатдор эмас. Адхубнинг айтишича, унинг 32 нафар ҳамкасбини ўлдириб кетишган, қолганлари ҳам ўз ҳаётлари учун хавфсирашмоқда.

Газетада чоп этилган мақолада келтирилишича, Вашингтон томонидан Ироқ мудофаа вазирлигига ажратилган маблағ «Ал-қоида» гуруҳининг Иордания банкларидаги ҳисоб рақамларига ўтказиб берилган. Бундан ташқари, Ироқ ҳукумати вакилларининг «Ал-қоида»чилар билан бирга мамлакат нефтини ўғирлаб, уни қора бозорда сотаётганликлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

КУБА—ХИТОЙ:

ЧАВЕС ХИТОЙГА КЕЛДИ

Кеча Куба давлати раҳбари Уго Чавес уч кунлик расмий ташриф билан Хитой пойтахти Пекинга келди, дея хабар беради Хитойнинг маҳаллий оммавий ахборот воситалари.

Чавес Хитой халқ республикаси раҳбари Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан ушбу мамлакатга ташриф буюрди. Ташриф чоғида икки давлат раҳбари ўзаро ҳамкорлик юзасидан музокаралар олиб бориб, халқаро ҳуқуқ, спорт ва бошқа соҳалар бўйича ўзаро келишувларни имзолаши кутилмоқда. Шунингдек, ташриф давомида Куба билан Хитой ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласи ҳам муҳокама қилиниши кўзда тутилган.

Уго Чавес Хитойдан сўнг Россия, ундан кейин эса бир қатор Европа давлатларига ташриф буюришни режалаштирган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

Ифтихор

МАҲАЛЛАМГА МЕҲРИМ БЎЛАКЧА

Сирдарё вилояти

Мен яшайдиган маҳалла Намуна, деб номланади. Бу масканга меҳрим бўлакча. Одамлари самимий, меҳнатсевар, очиққўнгил. Маҳалладошларимизнинг аҳиллигию уюшқоқлигига кўз тегмасин, дейман.

Бу йил 64 ёшга тўланман. Ўзим биринчи гуруҳ ногирони бўлсам-да, Сирдарё вилояти ногирон болалар ва уларнинг ота-оналари уюшмасига раҳбарлик қилиб келяпман. Уюшмамиз қошида 39 гектар ер майдонига эга бўлган «Каттабек» фермер хўжалигини ташкил этганмиз. Уюшмага тушган ҳомийлик ёрдамлари ва фермер хўжалигида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан маҳалламизда яшовчи кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногиронларга баҳолиқудрат ёрдам бериб турибмиз.

Йиғинимиздаги ўзим яшайдиган кўпқаватли уйга уйбоши этиб сайландим. Ўша сайлов ўтказилган кун асло эсимдан чиқмайди. Йиғилиш белгиланган куни йиғин раиси Санобар Турсунова ва Гулистон шаҳар ҳокимлигидан келган вакиллар менинг номзодимни таклиф этишди. Шунда кўпчилик ишонч билдириб, «Каттабек ака маҳалламиздаги тадбирларга доимо бош бўлиб келган. Унинг ташкилотчилигидан биз ҳамиша қониққанмиз...» дея айтишган эди.

Маҳалладошларимнинг менга билдирган юксак ишончини оқлаш учун биринчи кунданоқ ишга бел боғладим. Умумнинг иши барибир масъулиятли-да, дастлабки кунларда фаолиятимни нимадан бошлашни билмай, бошим қотган. Кўниқўшниларнинг маслаҳати ва кўмаги билан ишларимиз аста-секин яхшиланиб борди. Биринчи навбатда кўпқаватли уйимизда истиқомат қилаётган ўзгалар ёрдамига муҳтож оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни эътиборга олдик.

Ҳозирги кунда маҳалламиз ҳудудида 5700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Жами 1560 та хонадон мавжуд. Шундан икки ёшга тўлмаган фарзанди бор оилалардан 55 тасига нафақа белгиланган. 52 та оила 16 ёшга тўлмаган фарзандини тарбиялаётгани учун ҳамда 30 та оила кам таъминланганлик нафақасини олиб турибди.

Маҳалламиздаги ободонлаштириш ва тозалик тадбирлари ҳудудимиздаги ташкилот, муассасалар ва аҳолининг беминнат ёрдами билан амалга ошириб борилаётир. Турли дарахт ниҳоллари ҳамда гул экиш, уларни парваришлаш, кераксиз буюм ва чиқиндиларни махсус жойларга чиқариб ташлаш ишлари изига тушиб кетди.

Намуна — бугунги кунда Гулистон шаҳридаги энг обод фуқаролар йиғинларидан бири. Умумхалқ байрамлари муносабати билан маҳалламизда ташкил этилган тадбирларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мурувват ёрдамларини кўрсатиш ҳудудимизда анъана тусини олган. Жумладан, «Ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида маҳалламиз биринчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Маҳалламизда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида уларга касб-ҳунар ўргатишни ҳам ташкил этганмиз. Хусусан, уюшмамиз ҳомийлигида вилоят «Бизнес инкубатори» муассасаси орқали маҳалламизда яшовчи ёшларга янги иш ўринлари яратиш борасидаги ҳаракатларимиз кўнгилдагидек боряпти.

Энг муҳими, биз кексаларнинг маҳалла ишларига фаол бош қўшаётганимиз ўзининг самарасини бермоқда, деб ўйлайман.

Каттабек СОТВОЛДИЕВ,
Гулистон шаҳридаги Намуна маҳалласи фаоли.

Йил дастури ижроси — амалда

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги вилоят маданият ва истироҳат боғида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида қизиқарли тадбир ташкил этилди.

ИҚТИДОР, ИСТЕЪДОД ВА ҚОБИЛИЯТ НАМОЙИШИ

Ушбу тадбир дастуридан «Она саломатлиги» марафони, «Келажак овози» республика ёшлар танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам жой олди.

Тадбир ташкилотчилари дастлаб Қарши шаҳридаги 3-Меҳрибонлик уйида бўлиб, у ердаги шарт-шароитлар, йил дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар ҳамда тарбияланувчиларга эсдалик совғаларини топширдилар. «Она саломатлиги» шиори остида ташкил этилган марафонда «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» акцияси ҳам ўтказилди. Шунингдек, вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлинмалари иштирокида турли кўрик-танловлар ўтказилиб, кўргазмалар намойиш этилди. «Меҳр нури» жамғармаси томонидан эълон қилинган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун дастурлар гранти лойиҳаси ғолибларининг маҳсулотлари кўргазмаси барчага манзур бўлди.

«Энг намунали маҳалла» кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорларини аниқлашда иштирокчи маҳаллаларнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширган ишлари бош мезон қилиб олинди.

— Пазандачилик кўргазмасида иштирок этиш учун келдик, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Яккабоғ тумани бўлинмасининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича бош маслаҳатчиси Назира Ўринова. — 100 турдан ортиқ миллий таомларимизни намойиш этиб, биринчиликни қўлга киритдик. Тадбир бизда жуда катта таассурот қолдирди. Ёш оилалар ўртасидаги спорт мусобақаси, саломатлик акциялари унинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

Тадбир якунида «Энг намунали оила», «Энг намунали маҳалла» танловининг ғолиб ва совриндорлари, моҳир пазандалар, шунингдек, таълим муассасаларида соғлом авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишларни акс эттирувчи ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган кўргазмаларда фаоллик кўрсатган ўқув масканлари ва тиббиёт муассасаларининг интеллектуал салоҳияти ва меҳнатига юксак баҳо берилди.

«Келажак овози» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими Қарши шаҳри марказидаги муҳташам амфитеатрда бўлди. Ўтган йили танловнинг вилоят босқичида 2300 нафар ёш иштирок этган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 5400 нафарни ташкил этди. Иштирокчилар «Тасвирий ва амалий санъат», «Ахборот ва коммуникация технологиялари», «Рационализаторлик таклифлари», «Техник лойиҳалар ва ишланмалар», «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режалар», Меъморчилик ва дизайн», «Бадиий ижод ва публицистика», «Спорт» йўналишлари бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказишди.

Ғолибликни қўлга киритган 41 нафар иштирокчига сўнгги русумдаги компьютер жамланмалари топширилди. Тадбир сўнгида санъаткорлар ўз концерт дастурларини намойиш этишди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Юз билан юзлашганлар

Хоразм вилояти

ТЎЛҒОНОЙ МОМОнинг ДУОСИ

Янгибозор туманида истиқомат қилаётган пиру бадавлат онахон — 112 ёшли Тўлғоной момо Отажонова бугун умрининг энг қувончли дамларини бошдан кечирмоқда. Боиси, уч нафар қиз ва бир нафар ўғилни вояга етказиб, 50 нафардан зиёд невара-чевараларнинг севимли момоси бўлган Тўлғоной ая юртимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармонига биноан, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Ушбу юксак мукофот билан момони табриклаш мақсадида хонадонга ташриф буюраётганларнинг кети узилмаяпти. Қариган чоғида бундай иззат-икромга сазовор бўлганидан, қолаверса, фарзандларининг ардоғида умргузаронлик қилаётганидан боши кўкка етган онахон қўлларини дуога очади: «Илоҳим, юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин. Кексаларга иймон, ёшларга умр берсин...»

Ҳа, ўзи яшаб турган Оёқдўрмон маҳалласида миришкорлик ва пиллачилик билан шуғулланиб келган Тўлғоной момо кўрсатилган эҳтиромдан жуда миннатдор. У ушбу мукофотни юрт корига ярайдиган қобил фарзандларни вояга етказиб, шу чоққача халол меҳнат орқасидан кун кечириб келаётганининг меваси, деб биласи. Невараю чевараларига ҳам шуни уқтириб, уларни ватанпарвар фарзандлар бўлишга ундайди.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Юртимизда маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинларининг ваколатларини кенгайтириб бориш ҳамда ушбу масканлардаги ижтимоий ва маънавий муҳитни янада яхшилашга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Натижада бугун фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонларидан бири бўлган ошкоралик ва тенг ҳуқуқлиликка асосланган сайловлар фуқаролар йиғинлари раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда ҳам ўтказилянти.

ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР САМАРАЛИ БЎЛДИ

Бу ҳақда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида, жумладан, шундай қайд этилган: "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади..."

Фуқаролар йиғинларида ўтказиладиган навбатдаги сайловлар олдидан жойларда ўқув-семинарларни уюштириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган эди. Унга биноан, ҳудудларда «Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари ҳамда туман бўлинмалари мутасадди ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, шунингдек, маҳалла фаоллари иштирокида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моҳиятини ўрганишга қаратилган ўқув-семинарлар бўлиб ўтди. Ушбу семинарларни ташкил этиш ва ўтказишдан кўзланган асосий мақсад тизим ходимлари, хусусан, маҳалла оқсоқолларининг билим ва кўникмаларини янада ошириш, маҳалла фаолларини мазкур сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштирок этишга чақиришдан иборат.

Фуқаролар йиғинларига навбатдаги сайловларни ўтказиш олдидан ўтказилган семинарлар чоғида сайловни ташкил этишга доир кўпгина масалалар муҳокама этилди. Хусусан, ушбу семинарларда сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнини юқори савияда ташкил этиш, оқсоқолликка номзодларнинг ижтимоий аҳволи билан танишиш, номзодларнинг маҳалла-қўйдаги обрў-эътиборини инобатга олиш алоҳида аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

Ўқув-семинарлар давомида "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида маърузалар ҳам ўқилди. Қолаверса, юқоридаги тадбирларда мавзуга доир маърузалар ўқиган мутахассислар сайлов жараёнларида қонун устуворлиги, демократизм ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига асосланиб иш юритиш шартлиги таъкидланди. Интерфаол усулда ўтказилган мазкур семинарлар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволлар бўйича мутахассислардан жавоблар олишди.

Р.ГАЗЛЕТДИНОВА,
«Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази бўлим бошлиғи.

Фарғона вилояти

Қува туманида аҳолини халқ истеъмоли маҳсулотлари билан таъминлаш намунали йўлга қўйилган.

Тумандаги «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли савдо дўконлари томонидан мунтазам равишда чекка ҳудудларда жойлашган маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида кўчма дўконлар ташкил этилади. Айниқса, юртимиз бўйлаб пахта йиғим-терим ишлари қизғин давом этаётган айни кунларда дала меҳнаткашлари, теримчиларга харид учун қулай шароитлар яратилмоқда.

СУРАТДА: *Қува тумани «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 37-савдо дўкон хизматчилари Янги қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган кўчма дўкон орқали пахтакорлар ва қишлоқ аҳлига намунали хизмат кўрсатишмоқда.*

Ш.ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Олам турфа

ДОВОНЛАРНИ ОШТАН ЎСИМЛИК

Шакар ҳайвон танасида ҳам, ўсимликлар таркибида ҳам учрайди. Бироқ шакар деганда ҳаммамиз сахароза, яъни шакарқамиш ва қандлавлаги таркибида кўп миқдорда учрайдиган моддани тушунамиз.

Бугунги кунда дунёда ишлаб чиқариладиган шакар ва қанд маҳсулотларининг 62,5 фоизи шакарқамишдан, 37,5 фоизи эса қандлавлагидан олинади.

Ширин таъмга эга бўлган ўсимликлар минг йиллар аввал Янги Гвинея ҳудудида ўсган. Баъзида одамлар бу ширин ўсимликни қўлга киритиш учун бир-бирлари билан жанг қилишган. Жамият тараққий этган сари одамлар шакарқамиш поясини бошқа маҳсулотларга айирбошлай бошлашган. Шу тариқа савдогарлар уни Тинч океанининг жанубий қисми ҳамда Индонезия ва Филиппин давлатларига олиб борадилар.

Эрамиздан аввалги 400 йилда шакарқамиш Ҳиндистонда кенг тарқалади. Европаликликлар эса эрамиздан аввалги 325 йилда, Искандар Зулқарнайннинг Ҳиндистонга қилган ҳарбий юриши пайтида шакарқамиш ҳақида илк маълумотга эга бўлишган.

500-700 йиллар оралиғида шакарқамиш Форс давлатида, кейинчалик Араб яриморолида кенг тарқалди. АҚШга эса шакарқамиш миссионерлар томонидан 1751 йилда олиб кирилган. 1795 йилдан бу ерда шакар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

478 КАРАТЛИ ОЛМОС

Лесото қироллиги ҳудудидан 478 каратли олмос топилди, дея хабар тарқатди France Presse ахборот агентлиги. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу топилмага ишлов берилгандан сўнг у дунёдаги энг йирик олмослардан бирига айланиши мумкин.

Мазкур тош Британиянинг Gem компаниясига қарашли Летсенг кони ишчилари томонидан топилган. Ишлов берилган кўринишда ушбу олмос ҳажман дунёда йигирманчи ўринни эгаллаб турибди. Компания вакилларининг сўзларига кўра, ишлов пайтида олмос деярли 150 каратга кичрайиши мумкин. Reuters агентлигининг хабар беришича, олмос майда жавоҳирларга бўлингандан сўнггина унинг аниқ баҳосини белгилаш мумкин бўлади. Бироқ ҳозирда унинг қиймати 12 миллион АҚШ долларидан ошади, дея тахмин қилинмоқда.

Дунёдаги энг йирик олмос 1905 йилда Жанубий Африка ҳудудидан топилган Куллинан олмосидир. Ҳажми 3106 каратга тенг бўлган мазкур олмос 100 та жавоҳир доначасига бўлиниб, улардан энг йириклари Британия Империясининг тожини безашда фойдаланилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Лестенг кони дунёдаги энг бой конлардан бири ҳисобланади. Сабаби, дунёдаги энг йирик 20 та олмоснинг тўрттаси ушбу кондан топилган.

Қилмиш — қидирмиш...

ТАЛОНЧИЛАР ЎЗ «УЛУШИ»НИ ОЛДИ...

...Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида навбатдаги суд жараёни. Қора курсида ўтирган кимсалар бутун вужуди қулоққа айланиб, суд ҳукмини кутишмоқда.

Ҳукм ўқилди. Судланувчилар пушаймонда, қилмишлари туфайли эларо маломатга қолган яқинларига қарай олишмайди. Начора, одамларнинг мулкини талон-тарож қилиш эвазига «даврон» суришдек жирканч ҳаёт тарзига ўрганиб қолган бу кимсалар жиноятига яраша жазосини ҳам олди.

Жиноят кўчасига кирганлар — 22-27 ёшлар оралиғидаги навқирон йигитлар. Уларни юртдошларимизга тегишли автомашиналарни босқинчилик йўли билан талон-тарож қилишдек жирканч юмуш бирлаштирган эди. Ҳайриятки, улардан жабр кўрганлар молини бой берди-ю, жони омон қолди. Акс ҳолда...

2006 йилнинг қаҳратон қиш чилласи. Тун ярмидан оққан бўлишига қарамай, Ўзбекистон туманидаги Қайнарқишлоқ фуқаролар йиғини Авғон маҳалласида истиқомат қилувчи Ўринбой Умаровнинг хонадонида ҳали чироқ ўчмаган. Негаки, Шерзод Ҳошимов, Мақсад Умаров, Музаффар Нуриддинов ва хонадон соҳибидан иборат жиноий гуруҳ «машварати» авжида. Улар шу дамда Музаффар ва кейинчалик тергов-суриштирув ишлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган «Мавлуд» исмли шахс томонидан 11 январда содир этилган жиноятнинг, жиноятчилар тилида айтганда «ов» тафсилотларини муҳокама қилишарди.

...Ўша куни икки жиноятчи Қўқон шаҳридаги деҳқон бозори ёнида Равшан Файзиев бошқарувидаги «Матиз» енгил машинасини тўхтатишди.

— Ака, қанча десангиз, берамиз. Бизни «Сочи» чойхонасига ташлаб қўйсангиз...

Равшан «танти» йигитларнинг хизматига рози бўлди. Пахтақайнар қишлоқ фуқаролар йиғинига етишган чоғда Музаффар ёнидан пичоқ чиқарди-да, Равшаннинг бўқинига тиради. Орқа ўриндиқда ўтирган Мавлуд эса ҳайдовчининг бўйнига панжа солди. Кутилмаган тажовуздан Равшан карахт бўлиб қолди, лекин машинани тўхтатмади. Мавлуд машинанинг қўл тормозини ишга солди. Равшан сирпаниб тўхтаган машинадан ўзини ташқарига отди. Бироқ босқинчилар жон аччиғида қочиб кетаётган жабрдийдага етиб олишди ва уни аёвсиз калтаклаб, яна машинага қайтаришди. Равшаннинг чўнтагида бирозгина пул бор экан, камига «Нокия» русумли қўл телефонини тортиб олишди. Сўнгра Равшаннинг оғзи ва қўл-оёқлари скотч билан чандиб ташланди. Машинани Музаффар бошқарди. Йўлда жабрланувчи икки нафар велосипед минган кишини кўриб қолди. У пайт пойлаб туриб, машинадан ўзини ташлаб юборди. Жиноятчилар машинани тўхтатмай, жуфтакни ростлашдан бошқа чора топишолмади. Кўп ўтмай улар нархи 13 миллион сўмдан кам бўлмаган автомашинани эҳтиёт қисмлари талон-тарож қилинган ҳолда Данғара тумани Найманча қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 12-мактаб ёнига ташлаб кетишди...

Орадан тўрт кун ўтди. Жиноятчи гуруҳ яна Афғон маҳалласида, Ўринбойнинг хонадонида пишитилган «режа»га кўра, навбатдаги «ов»га отланишди. Мақсад Умаров ва Музаффар Нуриддинов Шерзод Ҳошимов бошқарувида бўлган «Нексия» русумли автомашинада, тунги соат 2 ларда Фарғона шаҳрига ошиқишди. Олтиариқ тумани марказига етишганда Мақсад ва Музаффар жиноий мақсадларини амалга ошириш учун машинадан тушиб қолишди. Иккавлон ҳайдовчи Қаҳҳор Исмоиловга тегишли давлат рақами 15 Т 9770 бўлган «Дамас» автомашинасини мўлжалга олишди. Ҳайдовчи икки йигитни 6000 сўм эвазига Бағдод туманигача элтиб қўйишга кўнди. Мақсад орқа ўриндиққа, Музаффар эса ҳайдовчининг ёнига жойлашди. Олтиариқ — Бағдод йўналишидаги Азимобод қишлоғи ҳудудидан ўтиб боришаётган пайтда Музаффар дабдурустдан ҳайдовчига пичоқ тиради, Мақсад эса унинг бўйнидан буға бошлади. Ҳайдовчи туйқус тажовуздан ўзини йўқотиб қўйди, бир амаллаб машинани йўл четига тўхтатди. Шу дамда кетмакет берилган зарбадан вужуди бўшашди. Босқинчи талончилар унинг ҳам оёқ-қўлларини скотч билан танғиб, йўл четида қолдириб кетишди...

Бу пайтда талончиларни Ўринбой ва Шерзод сабрсизлик билан кутишарди. Шерзод келишилганидек, 300 АҚШ доллари эвазига нархи 11 миллион сўм бўлган «Дамас» автомашинасини ҳайдаб кетди. У ҳам ўз навбатида Данғара туманидаги Найман ва Жарқишлоқ қишлоқлари ҳудудидан кесиб ўтган Наймансойнинг ўнг қирғоғидаги овлоқ жойга машинани ҳайдаб келиб, «шип-шийдон» қилди. Ҳатто автомобилнинг техник талони ва жабрланувчига Фарғона давлат университетини тамомлагани ҳақида берилган дипломни ҳам гумдон қилди,..

Талончилар тўдаси қилмишлари ҳеч қачон ошкор бўлмайдигандек, кетма-кет жиноятга қўл уравердилар. Навбатдаги разилликни амалга ошириш мақсадида кечаси тахминан соат 2-3 лар оралиғида Фарғона шаҳридаги «Тантана» тўйхонаси олдида изғий бошлашди. Бу сафар уларнинг сафида жиноий тўданинг янги аъзоси — 1983 йилда туғилган Мирзааҳмад Тоҳиров ҳам бор эди.

Тўйхона ёнида турган «Тико» русумли, 15 М 0652 давлат рақамли автомашина ҳайдовчиси Изатилло Ашуров таклиф қилинган 3000 сўм эвазига уларни Марғилон шаҳрига элтиб қўйишга рози бўлди. Марғилон шаҳрининг Н.Холматова номидаги кўчасига етганда жиноятчилар яна... Кўз очиб-юмгунча, Мақсад ва Мирзааҳмад Изатиллонинг «шўрини қуритишди». Босқинчилар ҳайдовчини уриб-дўппослаб, машинадан улоқтириб кетишди...

«Тико» Авғон қишлоғи сари елдек учди. Паккада Шерзод уларни 400 АҚШ долларини нақд қилиб кутиб турарди. Енгил автомашина бу гал қисман «ечинтирилди», оқ рангга қайта бўялди...

Одамлар орасида тарқалган миш-мишлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан суриштирув-қидирув ишлари жадаллашгани туфайли босқинчи тўда кўздан панарокда юришга мажбур бўлди. Бошқача айтганда, улар бироз муддат «ов»га чиқмасликка келишдилар. Лекин ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, жиноятчилар 2007 йилнинг 17 декабригача аранг чидашди...

...Қиш анча қаттиқ келганди. Табиийки, қиш қаҳратонида кўчакўйда одамлар ҳам, автотранспорт воситалари ҳам анча сийрак бўлади. Босқинчиларнинг «ов»и шаҳардагина бароридан келиши мумкин. Бу сафар ҳам аввалги «сценарий» бўйича ҳаракат қилишни кўнгилга тугиб, жиноятчилар Фарғона шаҳрига келишди.

Шерзод Ҳошимов бошқарувидаги «Ваз-2106» автомашинаси шаҳарнинг «Гул бозори» яқинида тўхтади. Мақсад ва Мирзааҳмад машинадан тушиб, шу яқин орада йўловчи кутиб турган «Матиз» русумли, 15 V 2154 давлат рақамли Дилшод Маматқулов бошқарувидаги автомашина томон одимлашди. Улар ҳайдовчи билан Учкўприк туманига олиб бориб қўйиши учун 20000 сўмга келишдилар. Машина йўлга тушди. Қўқонбой қишлоғидаги спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш заводи ҳудуди тун қоронғуси ва қалин туман забтидан ҳайдовчига анчагина қийинчилик туғдирди. Автомашинанинг секин юриши босқинчилар учун айни муддао эди. Талончиларнинг домига тушган навбатдаги жабрдийда ҳам бор-будидан айрилди...

Бу босқинчиларнинг сўнгги талончилиги бўлди.

Кўп ўтмай уюшган жиноий тўда аъзолари бирин-кетин ҳибсга олинди. Дастлабки суриштирув ва тергов ишлари давомидаёқ жиноятчиларнинг барча кирдикорлари очилди.

Жиноий тўданинг ҳар бир аъзоси тегишли жазосини олди. Қарийб бир йил давомида улар томонидан фуқароларга етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилди. Хуллас, одамларни қақшатган уюшган жиноятчиларнинг ҳар бири ўз қилмиши учун «улушини» олди...

Козимжон ЗОҲИДОВ,
Фарғона шаҳри прокурори катта ёрдамчиси.
Алижон МИРЗАБОЕВ,
журналист.

Юртимиз спортчилари довруғи

БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Бокс

Россияда ўтган профессионал бокс кечасида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари навбатдаги рейтинг жангларида муваффақият қозонди.

Бунгача кетма-кет еттита рақибини мағлуб этган фарғоналик Ғайрат Абдуҳакимов саккизинчи учрашувини россиялик Вячеслав Поляковга қарши ўтказди. Боксчимиз саккиз раундга мўлжалланган жангда рақибига нисбатан дадил ҳаракат қилиб, кучли ва аниқ зарбалар беришга эришди. Бунинг оқибатида профессионал рингда йигирма биринчи жанги ўтказган россиялик боксчини еттинчи раундда техник нокаутга учратди. 24 ёшли Ғайрат Абдуҳакимов эса навбатдаги рейтинг очколарига эга бўлди.

22 ёшли Илҳом Раҳимов профессионал боксчилик фаолиятини тўрт ой муқаддам бошлаган бўлса-да, мухлису мутахассисларга зарбаси кучли боксчи сифатида танила бошлади. У аввалги икки жангида анча тажрибали боксчилар – россиялик Равил Муҳаммадёров ва тожикистонлик Шуҳрат Усмоновни енгган эди. Чустлик боксчининг учинчи жангда Россия вакили Равил Шалагиндан устунлигини исботлаши учун бир неча сония кифоя қилди. Тўрт раундлик жангнинг бошидаёқ Илҳомнинг кучли зарбасини ўтказиб юборган рақиб техник нокаутга учради.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Футбол

ҚОСИМОВ ТЕРМА ЖАМОА БОШ МУРАББИЙСИ

Тошкентнинг «Бунёдкор» клуби бош мураббийи Миржалол Қосимов Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янги бош мураббийи этиб тайинланди. Бу ҳақида 19 сентябрь куни Ўзбекистон футбол федерацияси президенти томонидан терма жамоа раҳбарияти ва футболчилар билан учрашув чоғида расман эълон қилинди.

Қосимов шу вақтга қадар мамлакат терма жамоасининг катта мураббийи вазифасида ишлаб келаётган эди.

«Бунёдкор» устози терма жамоа бош мураббийлигидаги дебютини 11 октябрь куни сафарда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўртоқлик ўйинида нишонлайди. Японияга қарши Жаҳон чемпионати саралаш баҳслари доирасидаги ўйин олдидан тайёргарлик машқини ўтаб берадиган мазкур учрашувда иштирок этиш учун Қосимов ва унинг жамоаси 7 октябрда Сеулга учиб кетишади. Спарринг баҳсларидан сўнг терма жамоа 12 октябрь санасида Суелдан Токиога йўл олади.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Таэквондо

Жорий йилнинг 17-21 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида таэквондонинг Халқаро таэквондо федерацияси (ITF) йўналиши бўйича ёшлар ва фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон таэквондо (ITF) миллий ассоциацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати республика маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақаларда ҳамюртларимиздан ташқари Россия, Испания, Германия, Австрия, Чехия, Болгария, Англия, Нидерландия, Польша, Аргентина, Перу, Канада, Жазоир, Жанубий Африка Республикаси, Австралия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон каби дунёнинг эллик уч мамлакатидан беш юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, спортчиларга кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик самараси ўлароқ спортнинг барча турлари сингари таэквондонинг ҳам жадал тараққий этмоқда. Кўплаб таэквондочиларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори ўринларни эгалламоқда.



Тошкент шаҳри мезбонлик қилган ёшлар ва фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ҳам спортчиларимизнинг катта салоҳиятга эга эканини яна бир карра исботлади. Халқаро таэквондо федерацияси томонидан юқори савияда ташкил этилган мусобақа сифатида эътироф этилган чемпионатда иштирокчилар таэквондонинг яккалик ва жамоавий массоги, тиль, махсус техника ва предметларни синдириш каби баҳсларида ўз маҳоратини намойиш қилди.

Қирқ нафардан зиёд юқори малакали ҳакам бошқариб борган жаҳон чемпионатининг умумий натижаларига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси 17 олтин, 14 кумуш, 13 бронза, жами 44 медаль билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Ёш таэквондочиларимиздан Фарҳод Рустамов, Ситора Нишонова, Дмитрий Шокиннинг чиқишлари мухлису мутахассисларга манзур бўлди. Фахрийлар ўртасида эса Луиза Сагитова, Евгения Лим, Ринат Султонбеков, Комил Шукуров, Феруза Султонгариева ҳамда Фахриддин Умаров каби ҳамюртларимиз ўзини кўрсатди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўрин Корея Халқ Демократик Республикаси, учинчи ўрин эса Россия вакилларига насиб этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ОЛИМПИАДАЧИЛАР ОРОЛБЎЙИДА

Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги олимпиада мусобақаларида мамлакатимиз спортчилари ҳам фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришдилар.

Спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритиб, сайёрамизнинг 204 мамлакатидан келган спортчилар орасида 40-ўринни эгаллашди. Яқинда олимпиада ғолиблари ва қатнашчиларидан иборат гуруҳ Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари, сенатор Эркинбой Қуттибоев бошчилигида Оролбўйига сафар уюштиришди.

Спортчилар дастлаб Нукусдаги 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт коллежида бўлиб, бокс, кураш, дзюдо каби тўгаракларда ўтказилаётган амалий машғулотларда иштирок этишди. Шундан кейин «Баркамол авлод — 2008» ўйинлари бўлиб ўтган 12 минг ўринли «Турон» ўйингоҳини, «Олимпия захиралари» спорт коллежи ва жаҳон андозаларига тўла жавоб бера оладиган ёпиқ сузиш ҳавзасини кўздан кечириб, мамлакатимизнинг барча жойларидаги каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдилар.

Меҳмонларнинг Хўжайли шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»га ташрифи эса бу ерда тарбияланаётган ўғил-қизлар қалбида ўчмас из қолдиргани аниқ.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳридаги марказий теннис кортларида хотин-қизлар ўртасида халқаро теннис турнири якунига етди.

ҚАРШИДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ долларини ташкил этувчи турнирда 20 га яқин мамлакатдан келган теннисчилар ғолиблик учун қарийб бир ҳафта давомида кураш олиб боришди.

Жуфтликлар ўртасидаги беллашувларнинг финалида ҳамюртларимиз Албина Ҳабибулина ва Александра Колиснеченко белоруслик Има Боуш ва украиналик Леся Цуренкога қарши кортга чиқиб, имкониятни бой беришди.

Яккалик баҳсларда мусобақанинг 7- ва 8- рақамли ракеткалари — ҳамюртимиз Влада Яхшибарова ҳамда россиялик Елена Куликова ўзаро баҳс олиб боришди. Ушбу босқичга қадар рақибларига бирорта сетни ютқазмаган ҳамюртимиз рус спортчисидан мағлубиятга учради.

Финал беллашувида Елена Куликова австриялик спортчи устидан ғалаба қозониб, халқаро турнир ғолибига айланди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар, финал беллашуви иштирокчиларига мукофотлар топширилди.

Э.ҚУРБОНОВ

Бухоро вилояти

Бухоро шаҳридаги жаҳон андозалари асосида қурилган «Бухоро» ўйингоҳида маҳалла ёшлари ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» турнирининг 15-16 ёшли маҳалла ўсмирлари ўртасидаги республика финал босқичи мусобақалари якунланди.

ЖОНДОРЛИК ЁШЛАР — ҒОЛИБІ

Унда Бухоро вилояти Жондор туманидаги Жондор, Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Марказ, Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги Буғдойчи ва Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Пахтазор маҳаллаларининг ёш футболчилари ғолиблик учун ўзаро беллашишди.

Қизғин тарзда кечган мусобақанинг ҳал қилувчи ўйинида бухоролик ёш футболчилар рақиб жамоаларни мағлуб этиб, турнирнинг бош совринини қўлга киритишди. Иккинчи ўрин Андижон вилояти жамоасига насиб этди. Қашдарёлик спортчи ўсмирлар эса учинчи ўрин билан кифояланишди.

Мусобақа сўнгида ғолиб жамоалар ҳамда фаол иштирокчиларга турнир ташкилотчилари томонидан фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

МУҲАННИЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда зарур юмушларингиз анча бисёр. Лекин айни кунларда сиз учун энг муҳими — аразлашиб қолган кишиларингиз билан дўстона, илиқ муносабатларни тиклаш.

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳордиқ чиқариш, оёқ узатиб дам олиш кимга ёқмайди дейсиз? Агар ўрнингизга барча ишларингизни бажариб қўядиган ишонган кишингиз бўлса, ихтиёр ўзингизда.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)
Бутун ғайратингиз ва диққат-эътиборингизни фаолиятингизга қаратинг. Акс ҳолда каттагина моддий зарар кўришингиз эҳтимоли йўқ эмас. Ҳужжатларга имзо қўйишда ҳушёр бўлинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ёз давомида таътилга чиқмаган бўлсангиз, бунинг учун энг қулай фурсат яқинлашмоқда. Лекин таътилни уйрўзғор ишларига совурманг, хушманзара жойда дам олинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Яқин кишингизнинг ҳозиргача сиз пайқамаган янги ва яхши хислатларини кашф қиласиз. Шундай қилингки, фазилатлар бобида бошқалардан қолишмаслигингизни билиб қўйишсин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Иш вақтингизни унумли тақсимлай олсангиз, анча-мунча ишларни уддалашга улгурасиз. Бундан кутилган натижа сиз ўйлагандан ҳам ортиқ бўлади — ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатланасиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳис-туйғуларингизга қулоқ солинг, ўзингизни жиддий ва қатиққўл қилиб кўрсатишга урининг. Акс ҳолда яқинларингизнинг меҳрини бой беришингиз мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ўз устингизда ишлаб, бор қобилиятингизни намоён қилишга эришинг. Касбий фаолиятингиздаги кўп ижобий ўзгаришлар айнан шунга боғлиқ бўлади. Бемалолхўжалик сизга ярашмайди.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Жиддий қарорлар қабул қилишда иккиланманг, таваккал қилингки, яқин кунларда барча масалаларда омад сизга ёр бўлиши мумкин. Лекин шошқалоқлик қила кўрманг, обрўйингизга путур етмасин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Қандай мавзуда бўлмасин баҳс-мунозараларда ортиқча қизишманг. Унутмангки, қайсарлик ҳеч кимга обрў келтирган эмас. Мулойимлик ва очиқ чеҳра сизни кучли қилувчи омилдир.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ўрни келганда таниш-билишчилик қилиш ҳам керак. Бу борада меъёрга амал қилсангиз бас. Чунки сиздан ўзгина, биздан бугина ақидаси ҳамиша ҳам ўзини оқлайвермайди.

БАЛИК (19.02-20.03)
Фаолиятингиздаги баъзи хатолар оқибатида юзага келган муаммоларни ҳал этиш сиз ўйлагандан осон кечиши мумкин. Ҳаммаси сиз мурожаат қилган пайтда бошлиғингиз қандай кайфиятда бўлишига боғлиқ.

«Mahalla» газетаси таҳририяти газетанинг Фарғона вилояти бўйича мухбири Алижон Мирзабоевга рафиқаси **Гулжамол ЙЎЛДОШЕВА**нинг беваҚт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мулоҳаза минбари

ДЕВОРГА БИТИЛГАН МАВЗУ

Пойтахтимиздаги гавжум кўчалардан бирида жойлашган бино биқинига битилган қуйидаги «дил изҳори»га тасодифан кўзим тушди: «Фарҳод маники. Унга яна бир марта гапирсанг дабдалангни чиқараман»...

Бошқача ҳуснихатда деворга ёзилган пойинтар-сойинтар сўзлар мавзуни давом эттирган:

«У сани эмас, мани севади. Ишонмасанг ўзидан сўра»...

Бу ёзма «мулоқот» мени ўйга толдирди, сўзларнинг хато ёзилиши енгил-елпилигидан аёнки, ёзув муаллифлари ўсмир қизлар. Қизиқ, одатда бундай мазмундаги баҳс ўғил болалар ўртасида кечмасмиди? Хўш, айрим ўсмир қизларимизнинг севги ҳақида, умуман, инсоний муносабатлар ҳақида бу тарзда енгил-елпи ўйлашига сабаб нима? Бу замонавийлик белгисими? Шу саволни ёши, касби ва дунёқараши турлича бўлган замондошларимизга бердик.

Холмурод Жўраев, меҳнат фахрийси, 60 ёш:

— Аввало, девордаги ёзувни деб барча ёшларни, ўсмирларни бир хилда айблаш, уларни ахлоқсиз, дейиш мумкин эмас. Биз ёш бўлган даврни бугунга солиштирсак, ер билан осмонча фарқ бор. У пайтда бугунгидек имкониятлар, шарт-шароитлар қаёқда эди. Натижа ҳам шунга яраша, яъни бугуннинг ёшлари ҳар жиҳатдан илғор бўлишга интилишади. Уларни қаранг — билимдон, дунёқараши ва тафаккури кенг, бир эмас, бир нечта хорижий тилни ўзлаштирган. Мана шу ўғил-қизларимиз эртанги кунимиз ворислари-ку. Улар турли соҳаларда ўқиб-изланмоқда, жаҳон майдонида Ватанимиз довруғини юксалтирмоқда. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Индонезияда ўқишни хоҳлайсизми?» деб номланган кўргазмага кириб, бу фикримга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ёшларимиз чет эллик жаноблар билан инглиз тилида бемалол гаплашаётганини кўриб, ҳавасим келди. Энди девордаги ёзувга келсак, бундай йигит-қизлар ёшларимиз орасида гуручнинг ичида бўладиган қурмакдай учраб туради, холос. Қолаверса, бундай савдо ҳар бир инсон ёшлик чоғида бошидан ўтказадиган воқеадир.

Дилфуза Холматова, Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ магистранти, 21 ёш:

— Ҳозир бундай ҳолатларнинг кўпайиб кетаётгани рост. Бунга қизларнинг ўзлари айбдор, деб ўйлайман. Йигит-қизлар ўзаро меҳр-муҳаббат туйғуларини бошқаларга ўз қучини кўрсатиш учун восита деб билмоқда, бу жуда ачинарли ҳолат, менимча. Бу борада айниқса, ёш қизларнинг ўзини тутиши эътирозга лойиқ. Айрим қизлар ўз ғурур-шаънини шунчалик ерга уришадики, оқибатда йигитларнинг миясида ҳамма қизлар шундай, деган нотўғри тушунча туғилмоқда. Севиб-севилиб, ўз муҳаббати учун курашишни эмас, балки фақат йигит киши бўлгани учунгина қизлар орасида талаш бўлишни шараф деб билаётган йигитлар йўқ эмас. Бу билан муҳаббатнинг инсон қалбини жунбушга келтирувчи, жасоратларга чоғловчи кучи йўқолиб бормоқда, менимча...

Улуғой Эшназарова, ўқитувчи, 45 ёш:

— Ёшларимиз орасида енгилтак йигит-қизлар жуда кам бўлса-да, учраб туради. Менимча, ғарб маданиятининг маданий-маърифий ҳаётимизга ноўрин суқилиши таъсири бу. Ахир 15-16 ёшли қизларимиз телевизорда кети узилмайдиган сериалларда ҳам, газета-журналларда ҳам ўз муҳаббатини бозорга солаётган қаҳрамонлар, жумладан, аёллар мадҳ этилаётганини кўришмоқда-ку. Табиийки, бу ёшдаги қизлар ўта таъсирчан бўлишади. Уларнинг онгида бундай тарғиботга қарши «иммунитет» ҳосил қилишга, лозим тарбияни беришга бурчли оналарнинг эса бунга ё вақти йўқ ёки ўзлари ҳам ўша сериалларнинг ашаддий шайдосига айланиб бўлган. Мактаб ва бошқа ўқув муассасалари эса, тан олиш керак, оиланинг ёрдамисиз бу каби муаммоларни ҳал этишга ожизлик қилади.

Шохрух Азимов, тадбиркор, 40 ёш:

— Биласизми, бундай ҳолатлардан катта муаммо излаш шарт эмас, менимча. Ёшлик — бебошлик, деб бекорга айтилмаган ахир. Ёшлар ҳамиша қизиққон бўлган ва уларнинг хатти-ҳаракати ҳамиша катта авлодга ёқмаган, танқидга учраган. Бир пайтлар, яъни бундан ўн-йигирма йиллар муқаддам олий ўқув юртларида қиз болаларнинг шим кийиши фожеадек баҳоланган, тарбиявий соатларда муҳокама қилинган. Ҳозир эса бу одатий ҳол. Аксинча, ота-оналарнинг ўзлари қишки қаҳратон совуқда қизларига шим кийишни тавсия қилишади. Хўш, деворга ёзув ёзишган бўлса, нима бўпти? Наҳотки, бу ёзувни ёзган ўсмир қизлар уч-тўрт йил ўтиб, ўзини босиб олмайди, халқона таъбир билан айтганда «қуйилмайди», деб ўйлайсиз? Улар албатта, эс-ҳушини йиғиб олади, балки ибрат қилиб кўрсатса арзигулик оила бекаси, меҳрибон она ҳам бўла олишади. Ҳаётнинг ўзи уларни тарбиялайди, унингдек зўр тарбиячи йўқ.

Сабоҳат Баратова, пойтахтнинг Сергели туманидаги Кумариқ маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, 52 ёш:

— Халқимизда «Онасини кўриб, қизини ол, милкини кўриб, бўзини ол», деган мақол бор. Қиз боланинг тарбияси ва тақдирида онанинг ўрни жуда катта. Тарбия фақат рўзғор юмушларини ўргатишдан иборат эмас. Девордаги ёзув ҳақида сўз очишингиз билан кўча-кўйда киндиги очиқ, калта-култа кийимлар кийиб, бемаъни суҳбатлар қуриб юрган бетарбия қизлар кўз олдимга келди. Уларнинг бу туриш-турмуши оиладаги, ота-она ва фарзанд муносабатларидаги ноқисликлар оқибати, деб ишонч билан айтиш мумкин. Ёш қиз балки ножўя қадам ташлаётгани оқибатини англаб-англамас, жамоат жойида ўзини қандай тутиш, қай тарзда кийиниш, одоб меъёрларини адо этишга фаросати етмас. Хўш, оналарнинг кўзи қаёқда? Кўча-кўйга чиқиб кетаётган қизининг кийим-бошини, кайфиятини назорат қилиш, аввало, оналарнинг вазифаси эмасми? Ўз фаолиятим давомида шунга инондимки, қиздир, ўғилдир оилада тўғри тарбия олмас экан, мактаб, маҳалла-кўйдаги чора-тадбирларнинг самараси кам бўлади.

Зуҳра МАМАДАЛИЕВА суҳбатлашди.

Бир воқеага замондошларимиз билдирган турли хил фикр, турлича муносабат кишини ўйлантиради, албатта. Балки бу каби ҳолатлар ортиқча хавотирланишимизга арзимасдир. Лекин, ҳар қандай лоқайдлик, айниқса, ёшларимиз тарбиясидек нозик ва муҳим масалага лоқайдлигимиз оқибати яхши бўлмаслигини эътиборга олган ҳолда мавзуни очиқ қолдирамиз. Хўш, сиз нима дейсиз, азиз муштарий?

Билиб қўйган яхши!

Одатда, қаттиқ қўрқиш, вахимага тушиш ёки фавқулодда фожеа рўй берган ҳолатларда нафақат болалар, балки катта ёшли кишиларнинг ҳам тили «калима»га келмай, дудуқланиб қолиши турган гап.

Нутқингизда нуқсон бўлса...

Дудуқланиш оқибатида гаплар узуқ-юлуқ, пойма-пой бўлиб чиқади. Баъзида эса асабий ҳаяжонланиш сабабли ҳам одам ўз фикрини баён эта олмайди.

Агар болаларнинг гапиришида нуқсон бўлиб, дудуқланишга мойиллиги сезилса, шифокор билан бир қаторда шу соҳанинг мутахассиси бўлган логопедга ҳам мурожаат қилиш керак. Болаларда дудуқликни даволаш муолажаси қанча эрта бошланса, бу борада яхши натижага эришиш имконияти ҳам шунча юқори бўлади. Педагог-логопед томонидан амалга ошириладиган нутқни созловчи машқлардан сўнг бола мактабга боргунга қадар тўғри сўзлашга малака ҳосил қилиши мумкин.

Дудуқланишни даволашда асл мўмиёдан фойдаланилади. Катталиги мошдек /0,2 г / асл мўмиёни 1:5, 1:8 нисбатида тоза асал билан аралаштириб истеъмол қилиб туриш фойдалидир. Бундай муолажани 4 ой давом эттириш инсонни дудуқланишдан маълум даражада халос этади.

Умуман олганда, дудуқланишда мумкин қадар асабийлашишдан сақланиш, тинчлик-осойишталикка катта эътибор бериш керак. Дудуқланиб қолганларга 2 грамм кальций бромид тузини 200 грамм сувда эритиб, 1 ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичиш тавсия этилади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Утерянный угловой штамп татарского общественного культурно-просветительного центра г. Ташкента считать недействительным.

Утерянную круглую печать Мирзо-Улугбекского районного отделения татарского общественного культурно-просветительного центра считать недействительной.

Хидоятов Мирзарахим Мирсайдуллаевич номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2006 йил 13 апрелда берилган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида берилган 0401892 рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный аттестат АО № 008114 о среднем образовании выданный школой № 47 Сергелийского р-на г. Ташкента в 1995 году на имя Пак Николая Эдуардовича считать недействительным.

Тошкент иқтисодиёт коллежи томонидан Тошпўлатова Феруза Ихтиёровна номига 2005 йилда берилган К № 283417 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор ҳисобланади.

Дополнение к объявлению опубликованное в газете «Миллий тикланиш» /17(454)/ от 23.04.2008 г: «ООО «MELTEX» зарегистрированный решением хокимията Хамзинского р-на г. Ташкента (ул. Фарғона йўли, 21) от 29.01.2003 г. за № 148».

"OMEGA FINANS" шўъба хўжалиги жамиятига (ОКПО 22074128) Тошкент шаҳри Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан 2007 йил 24 октябрда берилган 003329 (реестр № 003329-11)рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор ҳисобланади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Тахририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Тахририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: **Бектош Исмоилов**
Мусаҳҳиҳ: **Ҳамза Абдуллаев**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **236-53-93**
Тел/Факс: — **233-44-25**
Масъул котиб: **236-53-75**
Котибият — **236-55-69**
Хатлар бўлими: **236-57-62**

2008 йил 24 сентябрь
39 (641)

12209 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-820 **Топширилди — 21.50**
2 3 4 5 6